



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING BUYRUGI

20 16 yil "15" ox

No 318

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича  
Давлат комиссиясининг З-сон баёни тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 11 июлдаги  
Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича  
Давлат комиссияси мажлисининг З-сон баёни ижросини таъминлаш мақсадида

### БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси мажлисининг 11 июль 2016 йилдаги З-сон баёни раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Фан ва ўқув юртлари бош бошқармаси (Ў.С. Исмаилов), тиббиёт олий таълим муассасалари ректорлари ва филиаллар директорлари (Ш.И.Каримов, А.Н.Юнусхўжаев, Н.Л.Хабилов, Б.Т.Даминов, А.А. Садиков, Т.А.Асқаров, А.М.Шамсиев, Х.А.Маматкулов, О.А.Атаниязова, Д.Ш.Туланов, Б.Т.Нормахматов, А.Ш.Иноятов, М.Т.Хамидов)га:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рафбатлантириш тўғрисида” 2008 йил 13 октябрдаги 226-сон қарорига асосан Халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари ва мусобақалари ғолиблари, Зулфия мукофоти совриндорлари, спорт мусобақалари ғолиблари рўйхати 1-иловага мувофик;

Республика олий таълим муассасаларига 2016-2017 ўқув йилида талabalар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш бўйича олий таълим йўналишлари ва мутахассислари Классификатори бўйича турдош таълим йўналишлари рўйхати 2-иловага мувофик;

